



ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

Арифдҷанова Зилола Дилшадовна -  
Тошкент архитектура қурилиш  
университети докторанти

doi.org/10.55439/ECED/vol24 iss3/a82

**Аннотация.** Мақолада қурилиш корхоналарини бошқаришнинг институционал асослари тадқиқ этилиб, бошқарувдаги институционал муаммолар аниқланган, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини камайтириш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** институционализм, институт, институционал тизим, институционал муҳит, хўжалик юритувчи субъект, функционал тузилма, элементар тузилма, институционал матрица, қурилиш корхоналари.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА  
ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ НА СТРОИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Арифдҷанова Зилола Дилшадовна -  
Докторант Ташкентский архитектурно-  
строительный университет

**Аннотация.** В статье рассматриваются институциональные основы управления строительными предприятиями, выявляются институциональные проблемы в управлении, а также рассматриваются вопросы повышения эффективности управления за счет устранения существующих проблем или уменьшения их влияния.

**Ключевые слова:** институционализм, институт, институциональная система, институциональная среда, хозяйствующий субъект, функциональная структура, элементарная структура, институциональная матрица, строительные предприятия.

IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISM FOR IMPROVING THE  
EFFECTIVENESS OF MANAGEMENT IN CONSTRUCTION ENTERPRISES

Arifdzhanova Zilola Dilshadovna -  
Doctoral student Tashkent University  
of architectural building

**Annotation.** The article examines the institutional foundations of management of construction enterprises, identifies institutional problems in management, and also examines issues of improving management efficiency by eliminating existing problems or reducing their impact.

**Keywords:** institutionalism, institution, institutional system, institutional environment, economic entity, functional structure, elementary structure, institutional matrix, construction enterprises.

**Кириш.** Ўзбекистонда бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида натижадор ўзгаришларга эришиб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар – йирик акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва хусусий мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Шу билан бирга улар фаолият юритиши шартларини белгилаб берувчи расмий қоидалар (конституция, қонунлар, фармонлар ва б.) ҳамда миллий қадриятлар, урф-одатлар ва бошқа норасмий нормаларни ўз ичига олган институционал муҳит ҳамда мамлакат иқтисодиётининг институционал таркиби яратилди. Бу жамиятда мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларининг такомиллашуви, моддий, табиий ва

меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатади.

Шу боис яратилган институционал муҳитни кучайтириш, иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва хавф-хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаси зарур.

Институционал соҳа, шубҳасиз, ана шундай воситалардан бири ҳисобланади. Жамиятдаги институционал бирликларнинг асосий вазифаси одамлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барқарор тузилмасини ўрнатиш орқали ноаниқликни камайтиришдир. Лекин, баъзида мазкур тузилмадаги бирликларнинг барчаси ҳам корхоналарнинг ривожланиши, уларнинг самарадорлигини оширишига тўлақонли хизмат қилавермайди. Шунинг учун, бугунги кунда қурилиш корхоналарини бошқаришнинг институционал

асосларини ҳамда уларни бошқаришдаги мавжуд муаммоларни институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганиш, ушбу соҳани такомиллаштиришда замонавий ташкилий ва иқтисодий фикрларнинг илмий йўналишларини тадқиқ этиш долзарблигини белгилаб беради. Мамлакатимизда «Инсон қадрлари учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармонида[1] устувор йўналишларни амалга оширишда белгиланган вазифаларни ҳал этиш, Ўзбекистон иқтисодиётида институционал ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим услубий асос ҳисобланади ва мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган чоралар мазмун-моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда қурилиш соҳасининг кенг ривожланиши, бу соҳа бўйича кўпгина тадқиқот ва изланишлар олиб борилиши ҳам бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жумладан, сўнгги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5,5 миллион нафарга ўсиб, яқин йилларда 40 миллионга етиши ҳудудларда турар-жой бинолари, мактаблар, болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият, таълим муассасаларига бўлган талабни янада оширади. Республикаимизда 2017 йилдан буён 326,0 мингта янги уй-жой фойдаланишга топширилган бўлиб, уй-жой билан таъминланганлик даражаси аҳоли жон бошига 18,0 фоизга ошган. Охирги уч йилда 210,0 минг оилага 33,0 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилиб, эҳтиёжманд 73,0 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилди. Соҳага бозор тамойиллари жорий қилиниб, юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Сейсмик хавфсиз ва энергия тежамкор йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйларни қуриш бўйича 11 та йирик кластер пайдо бўлди. Жорий йил мамлакатимизда уй-жой қуриш ҳажми 1,5 бараварга оширилиб, 90 мингтага етказиш режалаштирилди[2]. Ушбу ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши бевосита тўғри ташкил этилган институционал муҳитга боғлиқ.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда қурилиш индустриясининг ҳолатини ўр-

ганиш, қурилиш корхоналарини бошқаришнинг институционал асосларини ҳамда уларни бошқаришдаги асосий муаммолари ва қарама-қаршиликларни тизимлаштириш, уни ислоҳ қилишнинг концептуал қоидалари шакллантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Институционализм тушунчаси иқтисодиёт фанларига XIX аср охирларида кириб келган тушунча бўлиб, бу борадаги илмий ёндашувларни Т.Веблен, У.Гамилтон асарларида учратиш мумкин. Институционал механизм ривожланишнинг инновацион макроиқтисодий услубини тартибга солишни таъминловчи муносабатлар комплексини ўз ичига олади ва амалга оширади.

Институционализмнинг назарий йўналиш сифатида шаклланиши бевосита классик ва неоклассик назариялар билан боғлиқ. Бинобарин, неоклассика тамойилларида бозор моделини тузишга йўналтирилган назария – институционализм ҳисобланади. Ушбу назариянинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёр ва қоидалар туради.

Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, бозор муносабатларини таҳлил қилишнинг янги соҳасидир.

Институционализмнинг ривожланиши, унинг назарий ва услубий асослари хорижий иқтисодчи олимлар Т.Веблен, Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Т.Эггертсон каби институционализм намояндаларининг асарларида ёритиб берилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бошқаришнинг институционал асослари ва мавжуд муаммолар доирасидаги муаммоларига бағишланган адабиётлар, илмий мақолалар, ўқув ва услубий қўлланмалар А.Н.Олейник, Р.И.Капелюшников, В.М.Полтерович, В.Л.Тамбовцев, А.Е.Шаститко ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан яратилган.

Ўзбекистонда мулкчилик ҳуқуқи, институционал ислохотлар ҳамда мамлакатимизда амалга оширилган институционал ҳамда иқтисодий ислохотлар натижаларининг илмий жиҳатларини Б.Ходиев, Х.Абулқосимов, А.Бекмуродов, А.Ваҳобов, А.Расулев, Ш.Шодмонов, Н.Юсупова, А.Хошимов, Ш.Н.Зайнутдинов, Б.Б.Беркинов, Р.И.Нуримбетов ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Т.Вебленнинг таъкидлашича, институционал ўзгаришларнинг асосий сабаби шаклланган институтлар билан ўзгарган шароитлар, ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро номувофиқлик ҳисобланади [3].

Д.Норт институционал ўзгаришлар субъекти сифатида яқка тартибдаги тадбиркорни, институционал ўзгаришлар манбаи сифатида эса нархлар нисбатидаги фундаментал силжишларни ажратади. Унинг фикрича [5], мафкура институционал ўзгаришларнинг яна бир манбаи ҳисобланади. Мафкура деганда, у инсонлар улар орқали атрофдаги оламни қабул қиладиган ва баҳолайдиган субъектив моделни тушунади. Мафкуравий майиллик ҳам иқтисодий ҳисобкитоблардан ҳоли эмас: оламнинг субъектив манзараси кимнингдир фойдали имкониятларини чегаралаши қанчалик катта бўлса, уни қайта кўриб чиқишдан манфаатдорлик шунчалик кучли бўлади. Шундай қилиб, институционал ўзгаришлар техника тараққиёти, янги бозорларнинг очилиши, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳоказолар, яъни улар натижасида ташкилий ва институционал ўзаро ҳамкорликнинг илгари муваффақиятли фаолият юритган алоҳида шакллари “фойдасиз” бўлиб қоладиган жараёнлар оқиба-тида юз бериши мумкин.

Институционал тизим самарадорлигига институтлар билан бир қаторда ташкилотлар ҳам таъсир кўрсатади.

Институционал доиралар қайси ташкилотлар (сиёсий органлар, иқтисодий тузилмалар, жамоат муассасалари) ҳосил бўлиши ва иш-лашини белгилаб беради. Худди институтлар (функционал тузилма шакли сифатида) сингари ташкилотлар (элементар тузилма шакли сифатида) ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таркиблаштиради. “Ташкилотлар аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда фаолият юритувчи, ташкилотчилар томонидан бойлик, даромадни кўпайтириш учун ёки бошқа мақсадларда ташкил этилган бирликлар ҳисобланади. Ушбу мақсадларни кўзлаган ҳолда, ташкилотлар аста-секин институционал таркибни ўзгариради” [5].

Ташкилотлар (корхоналар, фирмалар)нинг институционал жараёндаги роли ҳозирча кам ўрганилган, хусусан, Г.Клейнер томонидан ўтказилган сўнгги тадқиқотлар кўрсатдики, ташкилот нафақат товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси, балки қуйидаги асосий вазифаларни бажарувчи ўзига хос “институт-провайдер” ҳисобланади [4]:

- ишлаб чиқариш институтлари ва келишувлар ишлаб чиқувчиси ва тарқатувчиси роли. Алоҳида ташкилотнинг муваффақиятли тажрибаси, унда фойдаланиладиган шартномалар тизимининг самарадорлиги, одатда, бундай тузилмаларни ташкилотнинг ушбу усулларида фойдаланишга ундайди;

- институтлар инкубатори роли. Ташкилотнинг фаолият юритиши натижасида ушбу тузилманинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга

олувчи ва якуний натижаларнинг катта самарадорлиги билан фаолият юритувчи янги расмий қоидалар ва норасмий нормалар шаклланади ёки, бошқача айтганда, тегишли институционал муҳитда янги институтлар ҳосил қилинади;

- яқка тартибдаги институционал интегратор роли (ушбу нормага амал қилувчилар таркибига янги индивидларни жалб этиш).

Т.Вебленнинг фикрига кўра [3], институтлардаги ўзгаришларга инсоннинг ҳаётга мос ижодий фаолият юритишга мойиллиги, эскига тафаккурни ўзгартирувчи илмий, технологик, ижтимоий ўзгаришларга олиб келувчи турлича қарашлар сабаб бўлади. Ўзгаришнинг яна бир сабаби – бу институтлар ўртасида турли тарихий даврларда юзага келган ва турли маданий илдишларга эга бўлган низолар бўлиши мумкин.

Янги институционал иқтисодиётда Дуглас Норт [5] институционал ўзгаришлар назариясининг асосчиси ҳисобланади.

Эволюцион институционал ўзгаришлар назариясини Р.М.Нуреев [6], Р.И.Капелюшников, А.Н.Нестеренко [7], А.Н.Олейник [8], А.Е.Шаститко [9], Я.И.Кузьминов [10] каби россиялик олимлар тадқиқ этишган.

Дуглас Норт институционал ўзгаришлар назариясининг асосий қоидаларини қуйидагича ифодалади [11]:

- институтлар ва ташкилотларнинг рақобат асосидаги ўзаро ҳамкорлиги институционал ўзгаришлар генератори бўлиб хизмат қилади;

- рақобат курашида омон қолиш ва ғолиб чиқиш учун ташкилот, фирма билимларга инвестиция киритиши керак. Ушбу билимларнинг хусусияти ва йўналиши иштирокчиларнинг ақлий салоҳиятига боғлиқ. Иқтисодий агентлар томонидан танланган билимлар мавжуд институтларнинг аста-секин ўзгаришига олиб келади;

- индивид билимларнинг у мазкур институционал шароитларда кутаётган фойдалиликнинг ошишига олиб келувчи турини ва йўналишини эгаллашдан манфаатдор;

- институтлар ўзгаришларининг катта қисми аста-секин юз беради ва “ривожланишнинг аввалги ҳаракат йўналиши самараси” таъсирига дучор бўлади. Ушбу самара юзага келишининг асосий сабаблари – мавжуд институтларнинг яқин ўзаро ҳамкорлигини назарда ту-тувчи ташқи таъсирларнинг мавжудлиги, институтларнинг ўзаро боғлиқлиги, кўламнинг ижобий таъсири деб ҳисоблаш мумкин.

Д.Нортнинг фикрига кўра, институционал ўзгаришларга нисбий нархлардаги ўзгаришлар ва мафкуравий қарашлардаги ўзгаришлар сабаб бўлади:

1. Нисбий нархлардаги ўзгаришлар (яъни нархлар нисбатидаги ўзгаришлар). Техник тараққиёт, демографик вазият, сотиш бозорлари-

нинг очилиши (ёпилиши) туфайли ишлаб чиқариш омилларининг нархлари (меҳнат ва капитал, ер ва меҳнат, ер ва капитал нархларининг) ёки якуний маҳсулот нархлари билан ресурс нархлари ўртасидаги нисбат ўзгаради. Бундай ўзгаришлар натижасида иқтисодий агентлар ташкилий ва институционал ўзаро ҳамкорликнинг амалдаги шакллари уларнинг самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишади.

2. Мафкуравий қарашлардаги ўзгаришлар. Мафкура – бу инсонларнинг бир-бирига ва атрофдаги оламга бўлган муносабатларини англаб етиш ва баҳолашнинг асосида ётувчи тизимли тартибга солинган қарашлар йиғиндиси. Амалий тажриба билан аввалги мафкура ўртасидаги номувофиқлик мафкуравий қарашларнинг ўзгаришига олиб келади.

Институтлардаги ўзгаришлар, агар бир ижтимоий гуруҳ наф кўрса, бутун жамият ҳам фойда кўришига олиб келади, бу иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ошишини англатади. Бошқа ҳолатларда бир гуруҳнинг наф кўриши бошқа гуруҳнинг фойдани бой беришига олиб келади, яъни институт ижтимоий-иқтисодий самарадорликни қайта тақсимлайди. Институционал ўзгаришлар иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини камайишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Амал қилиб турган институтларнинг ўзгартирилмаслиги мавжуд институтлар барча иқтисодий бирликларни қониқтиришини англамайди. Ушбу ҳолат институтларни ўзгартиришдан кўрилган харажатлар ва фойда таққосланганда иқтисодий бирликларда функцияларни қайта кўриб чиқишдан манфаатдорлик юзага келмаслигини англатади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида мавзуга оид институционал ва динамик таҳлил, мантиқий таққослаш, умумлаштириш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик ҳамда қиёсий таҳлил усуллари билан фойдаланилган. Шунингдек, қурилиш корхоналарида бошқарув тизими самарадорлигига институционал бирликларнинг таъсирини баҳолашда корреляцион ва регрессион усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Институционал механизм субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг институтларга асосланган тизимдир. Қурилиш корхоналарининг бошқарув тизимида институционал механизм корхоналарда иқтисодий механизмларнинг асосий қисми ҳисобланади. Институционал механизмнинг мақсади – иқтисодий тизимнинг асосий иқтисодий институтлар талабларига мувофиқ ишлашини таъминлашдан иборат жараён дир. Институционал механизм – механизмнинг фаолият юритув-

чи ва мақсадларига эришувчи (тегишли иқтисодий жараённи таъминлашдан иборат) ҳам алоҳида ташкилий элементлар, ҳам институционал шароитлар ва уларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини ўз ичига олган иқтисодий механизмнинг ташкилий ва институционал тузилмалари йиғиндиси [13].

Институционал механизм бир вақтнинг ўзида иқтисодий механизмнинг ўзи, унинг ташкилий тузилмаси, унинг элементлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш усуллари, қурилиш усуллари, ташқи фаолият шароитлари, унинг ички ва ташқи муҳитининг бошқа институционал омиллари ва ҳодисаларидир.

Бошқарувнинг институционал механизмлари қурилиш корхоналарида барча манфаатдор шахслар томонидан фойдаланиш ҳамда манфаатдор шахслар манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш учун асосий таъсир этувчи усуллар ва воситалар йиғиндиси дир.

Бугунги кунда қурилиш корхоналарининг бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий тизимларнинг глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ. Иқтисодий ислохотлар ҳозирги босқичда айнан институционал ўзгаришларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бошқарувнинг институционал асосларини яратиш билан қурилиш корхоналарининг стратегик муаммоларини ҳал этадиган бошқарувнинг замонавий миллий моделини шакллантириш мумкин. Қурилиш корхоналарининг бошқарув тизими маълум бир институционал муҳит томонидан табиий шаклланади. Хулоса қилиб айтганда, тўғри ташкил этилган институционал муҳит мавжуд бўлганда қурилиш корхоналарининг бошқарув тизими юқори самарадорликка эришиши мумкин.

Институционал муҳитни ривожлантириш ҳамда уни самарали ташкил этиш учун иқтисодиётни режалаштириш ва бозор механизмлари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш, шунингдек, жойларда мақсадли ижтимоий-иқтисодий ва молиявий сиёсатни амалга ошириш зарур. Қурилиш корхоналари бошқарув тизимининг асосини институционал тизим доирасида ўзаро ҳамкорлик жараёнларини ташкил этиш ва функционал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, ҳамкорликда манфаатдор томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро таъсирини манфаатларга мос келувчи функцияларни киритишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Минтақавий бошқарувнинг институционал асослари функционал ҳамда элементар тузилма шакллариининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнига таъсир қилишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шакллариини ўз ичига олади (1-расм).



**1-расм. Қурилиш корхоналарини ривожлантиришда институционал механизмнинг элементлари**

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Фикримизча, мукамал институционал муҳит демократик, исталган натижаларга эришишга қаратилган, етарли таъсир кучига эга, тушуниш учун етарлича содда, ижтимоий-психологик мотивациялар тизимидан фойдаланадиган, мослашувчан, прогрессив ривожланишни рағбатлантириш каби мезонларни қамраб олган бўлиши лозим.

Иқтисодий тизим институтлари ва органлари шаклланишидан олдин институтлар (функционал тузилма шакли сифатида) ва ташкилотларнинг (элементар тузилма шакли сифатида) яқин ҳамкорликдаги таъсири ва ҳаракатлари содир бўлади.

Институционал матрица – тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пай-

до бўлиши ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сақланиб қолган бирламчи моделни такрор яратишга хизмат қилувчи асосий ижтимоий институтлар тизими[12].

Институтлар жамиятнинг тарихий барқарорлиги ва ижтимоий яхлитлигининг такрор шаклланишини таъминловчи ўзига хос тузилишини ҳосил қилади. Институционал матрица жамиятда тенг аҳамиятли мавқени эгаллаб турган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларни бирлаштирувчи ижтимоий шакл сифатида қараш мумкин (2-расм).



**2 - расм. Жамиятнинг институционал матрицаси**

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бошқача айтганда, институтлар (хўжалик юритувчи субъектлар, қурилиш корхоналари ва хакозо) сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларнинг умумий элементи ҳисобланиб, мазкур соҳалар таъсирида ўз фаолиятини ташкил этади.

Давлат ўз фуқароларининг ишлаб чиқариш фаолиятига бўлган қизиқишини доимо қўллаб – қувватлаши ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирган ҳолда мулк ҳуқуқларининг самарали тақсимланишини мустақамлаши лозим. Хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, уй хўжаликлари ўз фаолиятларини тез ўзгартириш жиҳатлари мавжудлигини эътиборга олиб, институционал соҳани талқин этишда давлат, хўжалик юритувчи субъект, уй-хўжалигининг ана шу ва бошқа унсурларини тизимга солиш зарур.

Бугунги кунда қурилиш тармоғининг иқтисодий ривожланиши тез суръатларда амалга ошаётганлиги ушбу соҳанинг мамлакат иқтисодиётида жумладан, ялпи ички маҳсулотдаги

ўрни ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Биз томондан мазкур тармоқдаги иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда вертикал таҳлил усулидан фойдаланилган. Қуйида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан шуни айтиш мумкинки, ўрганилаётган 2015-2021 йилларда қурилиш тармоғининг ўсиши жадал суръатлар билан амалга ошган ва манфаатдорлик коэффициенти 1,25 га тенг бўлганлигини кўриш мумкин.

Ўз навбатида бу шуни англатадики, ушбу даврда мамлакатда ЯИМ манфаатдорлик ўртача коэффициенти ҳам 1,2 га тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Қолаверса ушбу ўрганилаётган даврда саноат тармоғида манфаатдорлик коэффициенти 1,23 га, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида манфаатдорлик ўртача коэффициенти 1,19 га тенг бўлганлигини кўриш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари

Йиллар	ЯИМ (млрд. сўм)	Қурилиш ишлари ҳажми (млрд. сўм)	Саноат маҳсулотлари ҳажми (млрд. сўм)	Қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги и (млрд. сўм)	Доимий аҳоли сони (минг киши)	Бандлар сони (минг киши)	Қурилиш тармоғида иш билан бандлар сони (минг киши)	Аҳолининг умумий даромадлари (млрд. сўм)
2015	221350,9	25423,1	97598,2	103302,0	31575,3	13058,3	1222,2	169344,3
2016	255421,9	29413,9	111869	119726,7	37120,5	13298,4	1263,6	197962,4
2017	317476,4	34698,00	148816	154369,4	32656,7	13520,3	1290,0	236893,1
2018	424728,7	51129,30	235341	195095,6	33255,5	13273,1	1205,5	300842,7
2019	529391,4	71156,50	322536	224265,9	33905,2	13541,1	1324,6	365735,6
2020	602193,0	88130,3	368740	261892,2	34558,9	13236,4	1305,6	420338,3
2021	734587,7	107492,7	456056,1	317027,6	35271,3	13538,9	1350,8	515660,7

Бугунги кунда қурилиш тармоғининг тез суръатлар билан ортиб бориши ва барча бошқа йирик тармоқлардан тез ривожланиш ва манфаатдорлик кўрсаткичига эга ҳисобланмоқда. Келтирилган даврда доимий аҳоли сонининг ортиб бориши манфаатдорлик ўртача коэффициенти 1,02 га тенг бўлганлигини, иқтисодиёт тармоқларида бандлар сонининг ортиб бориши манфаатдорлик ўртача коэффициенти 1,01 га тенг бўлганлиги, аҳолининг умумий даромадлари миқдори манфаатдорлиги ўртача коэффициенти 1,18 га тенг бўлганлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот миқдори манфаатдорлик ўртача коэффициенти 1,16 га тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Жадвалда ЯИМ миқдори коэффициенти ва аҳоли даромадлари ўртасида тафовут мавжуд, бундан ташқари доимий аҳоли сони коэффициенти ва иқтисодиёт тармоқларидаги банд бўлганлар коэффициенлари ўртасида ҳам катта тафовут мавжуд. Бу ҳам шуни кўрсатадики бугунги кунда аҳоли сонининг ортиши ва банд бўлганлар сонининг ортиши ўртасида катта

фарқ мавжудлигидир. Яна бир ушбу жадвалнинг эътиборли жиҳати шундаки, таҳлил қилинаётган 11 йил давомида мамлакатимизда қурилиш тармоғига киритилган инвестицияларнинг ўртача манфаатдорлик коэффициенти 1,67 га тенг бўлган ва бу барча бошқа тармоқ ва соҳаларга киритилган инвестициялар манфаатдорлик индексидан юқори кўрсаткични ташкил этган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бошқарувнинг институционал механизми бошқарув мақсадларига эришиш учун манфаатдор субъектлар (давлат, акциядорлар, мулкдорлар, ишчилар) томонидан қўлланилувчи бошқарув жараёнларига таъсир этувчи усуллари, восита ва дастаклар йиғиндиси сифатида ўрганилиши лозим. Қурилиш корхоналарининг бошқарув самарадорлигини баҳолаш жараёнида институционал муҳит ва институционал таъсирнинг уйғунлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Қурлиш корхоналарида самарали бошқарув моделининг характерли хусусияти унинг миллий институционал матрицага мос келишидир.

**Хулоса ва таклифлар.** Қурилиш корхоналарининг бошқарув самарадорлигини оширишда институционал ёндашувларни қўллаган ҳолда қурилиш соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини ҳалқаро тажрибалар асосида шакллантириш, бошқарув ресурсларидан жаҳон стандартлари даражаси фойдаланиш, шунингдек, мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф эта оладиган институционал тузилмаларни шакллантириш ҳамда қурилиш иқтисодиётини ривожлантириш, қурилиш соҳасидаги ахборотларнинг очиқлигини, шаффофлигини ва ошқоралигини таъминлаш зарур. Жумладан, қурилиш соҳасининг тараққиётига жиддий таъсир кўрсатувчи, унинг ривожланишини секинлаштирувчи омилларга қарши курашадиган институционал муҳит барпо этиш бугунги куннинг энг оғир масалаларидан биридир.

Бизнинг фикримизча, қурилиш корхоналарини бошқаришнинг институционал асосларини такомиллаштиришда асосий қоида индивидлар ва уни таъминловчи институтлар (тузилмалар) манфаатлари ўртасидаги муносабатларни бир вақтда уйғунлаштиришдан иборат.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида юзага келган юқори даражадаги ўзгаришлар, геосиёсий вазиятларнинг кескинлашуви, мамлакатларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлари, хусусан қурилиш корхоналарининг бошқарув тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Қурилиш корхоналарида бошқарув самарадорлигини оширишда мавжуд институционал механизмларни танқидий қайта кўриб чиқиш, шунингдек, унинг мослашувчан механизмларини танлаш бугунги кунда долзарблигича қолмоқда.

Бошқарув самарадорлигини баҳолашда қурилиш корхоналарининг молиявий-иқтисодий фаолияти, ташкилий ва бозор фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи мезон ва кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш бошқарувнинг институционал соҳадаги асосий муаммоларни аниқлаш имкониятини беради.

Қурилиш корхоналари бошқарувининг институционал соҳадаги қуйидаги асосий муаммолари бутун қурилиш саноатининг ривожланишини сезиларли даражада секинлаштиради:

– қурилиш имкониятлари ва ресурслари чекланган шароитда қурилиш ҳажмининг кескин ўсиши;

– қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаганлиги, техник регламентларга тўлиқ риоя этилмаслиги, ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатининг пастлиги, тасдиқланган бош режалар ва ер режалаштириш лойиҳалари йўқлиги, қурилиш учун ажратилган ерлардан белгиланган меъёрларга риоя қилмасдан фойдаланиш ҳолатларининг кўплиги;

– қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ечимлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга тўлиқ риоя этилмаслиги;

– тендер савдоларининг коррупцияга аралашганлиги ва айрим ташкилотларнинг яширин монополлиги, натижада қурилишда рақобат ва сифатнинг йўқлиги;

– қурилиш соҳасида ишчи кучи, малакали муҳандис-техник ходимлар ва бошқа мутахассисларнинг етишмаслиги, натижада тажрибаси йўқ кадрлар томонидан қурилиш ишларининг амалга оширилиши;

– турли ҳаваскорлар ва шубҳали обрўга эга бўлган фирмаларнинг лойиҳалаштириш, қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун буюртмаларни жойлаштиришда иштирок этишида чекловлар йўқлиги;

– қурилиш корхоналари томонидан ички коррупция ҳисобига фойда ҳажмини кўпайтиришга уриниши, яъни ўз фойдасини орттириш илнжида белгиланган меъёр ва режаларни бажармаслиги;

– объектларни қуриш ва қурилиш ишларини олиб бориш учун муддатларни чеклаш, қурилишнинг технологик циклига ҳаволанинг йўқлиги, норматив муддатларни ҳисобга олмаслик;

– қурилишда назоратни олиб борувчи давлат назорат органларининг ўз ваколатлари ва имкониятларидан паст даражасда фойдаланиши, шунингдек, мазкур соҳада коррупция ҳолатларининг мавжудлиги;

– тизимни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи нормалар мавжудлиги, уларнинг ҳалқаро стандартлар талабига жавоб бермаслиги;

– қурилиш соҳасида шаффофлик ва жамоатчилик назорати етарли даражада таъминланмаганлиги;

– қурилиш соҳасидаги кадрлар тайёрловчи олий таълим, шунингдек, профессионал таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлашдаги жиддий муаммолари.

Ўзбекистонда қурилиш тамоғини ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар доирасида чора-тадбирлар амалга ошириш талаб этилади:

– қурилиш саноатини модернизация қилиш ва уй-жой қурилиши сифатини ошириш, шу жумладан, эскирган технологиялардан фойдаланишга чекловлар ўрнатиш, лойиҳалаш ва қурилиш пудрат ишларига илғор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, қурилиш ишлари меъёрлари ва стандартларини, уй-жой

қурилиши соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш бўйича ҳуқуқий асосларини давр талаби бўйича такомиллаштириш бориш;

-мамлакатда уй-жой қурилиши миллий лойиҳаси фаолиятини молиялаштириш тизимини жорий этиш даврида уй-жойларни фойдаланишга топшириш ҳажмининг пасайиши билан боғлиқ муаммоларни аҳолининг талаб ва истакларига мувофиқ равишда амалга ошириш;

-қурилиш корхоналарининг инновацион фаолияти кўламини кенгайтиришга ва соҳага илғор технологияларни киритишга тўсқинлик қилувчи чекловларни олиб ташлаш; -қурилиш корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш учун унинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва янги технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш;

-қурилиш саноатини рақамлаштириш, шу жумладан муҳандислик тадқиқотлари, лойиҳалаш ва қурилиш ишларида, шунингдек ушбу

тармоқни бошқаришда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

-шаҳар муҳити сифат индексларини ҳисобга олган ҳолда қулай шаҳар муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш механизмларини яратиш;

-фуқаролик, саноат ва транспорт қурилиши соҳасида давлат-хусусий шериклик тизимини такомиллаштириш;

-қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шу жумладан энергия тежовчи материаллардан фойдаланишни ошириш, қурилиш хизматлари экспортини ривожлантириш;

-қурилиш тармоғи учун етук кадрлар тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5841063>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида "Янги Ўзбекистон" массивларида уй-жой қурилиши ва 2023 йил учун ипотека дастурини амалга ошириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши. [https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz/3027](https://t.me/Press_Secretary_Uz/3027).
3. Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: Прогресс, 1987.
4. Клейнер Г. Современная экономика России как «экономика физических лиц» // Вопросы экономики. 1996. № 4.
5. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики / Пер. с англ. А.Н. Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б.З. Мильнера. М.: Фонд экон. книги "Начала", 1997. – 180 с. (Современная институционально-эволюционная теория).
6. Нуреев Р.М. Экономика развития: институциональные концепции становления рыночной экономики. Учебник. Москва: ИНФРА-М, 2001. – 152 с.
7. Нестеренко А. Экономический рост на основе институциональных изменений // Вопросы экономики. - 1996.- №7. – С. 20-26.
8. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М.: Инфра – М, 2002. – 416 с.
9. Шаститко А.Е. Новая институциональная экономическая теория.- 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ТЕИС, 2010. – 828 с.
10. Кузьминов Я.И., Юдкевич М.М. Институциональная экономика: Курс лекций. – М.: МФТИ, 2002. – 237 с.
11. North D.C. (1990) *Institutions, Institutional Change and Economic Performance*. Cambridge: Cambridge University Press.
12. Б.Б.Беркинов. Институционал иқтисодиёт. Учинчи нашр, қайта ишланган ва қўшимчалар киритилган. Ўқув кўланма. Тошкент-2018. – 256 б.
13. А.Р.Исмаилов. Кимё саноати тармоғидаги корпоратив бошқарувнинг институционал ва функционал механизмларини такомиллаштириш // 08.00.13 - "Менеджмент" иқтисослиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: ТДИУ. – 2022 й.



**ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ РАҚАМЛИ КОМПЛЕКС МОДЕЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**Холмуминов Шайзоқ Раҳматович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
профессори, и.ф.д. доктори

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a83](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a83)

**Аннотация.** Ушбу мақолада меҳнатга лаёқатли аҳоли сиғими юқори бўлган ҳудудларда қишлоқ меҳнат бозорини ривожлантиришнинг синондан ўтган рақамли комплекс моделлари (РКМ) босқичи тақлиф этилган: мақсадни аниқлаш ва ҳал қилиниши керак бўлган муаммони оптималлаштириш вазифалари рўйхати; рақамли иқтисодий ва математик моделлар турини танлашни амалга ошириш; мақсадли комплекс моделларни ишлаб чиқиш ва уларнинг изчиллигини текшириш; зарур маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ишончлилигини баҳолаш; тақлиф қилинган РКМнинг компьютер синови, олинган компьютер натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш; Шу билан бирга, ишлаб чиқилган РУМ асосида 2025 йилгача Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисининг норасмий бандлигини қисқартириш бўйича прогноз кўрсаткичлари белгиланди.

**Калит сўзлар:** қишлоқ меҳнат бозори, ижтимоий ўнналтирилган бозор иқтисодиёти, математик иқтисодиёт, рақамли комплекс моделлар, оптималлаштириш моделлари, эконометрик моделлар, симуляция моделлари, иқтисодий ва статистик моделлар.